

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ

**929 Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини
ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 1 августдаги ПҚ–3168-сон қарорини бажариш юзасидан ва давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларида хизматни ўташ тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

2017 — 2021 йилларда давлат солиқ хизмати органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлар Дастури 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси Б.Р. Парпиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 28 август,
677-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 28 августдаги 677-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сон Фармониغا, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 8 январдаги ПҚ-1257-сон ва «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 1 августдаги ПҚ-3168-сон қарорларига, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат солиқ қўмитаси деб аталади) мақоми, вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

2. Давлат солиқ қўмитаси солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини, давлатнинг иқтисодий манфаатлари ва мулкый ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасидаги назорат бўйича республика давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Давлат солиқ қўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди.

3. Давлат солиқ қўмитаси тизимига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) давлат солиқ инспекциялари (кейинги ўринларда давлат солиқ хизматининг ҳудудий органлари деб аталади), шунингдек тасарруфидаги ташкилотлар ва таълим муассасалари (кейинги ўринларда тасарруфидаги ташкилотлар деб аталади) киради.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақил равишда амалга оширадилар.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилинадиган қарорлар барча солиқ тўловчилар: юридик шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахслар учун мажбурий ҳисобланади.

4. Давлат солиқ қўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазир-

лар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

5. Давлат солиқ хизмати органлари ўзларига юкланган вазифаларни давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлати ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, банклар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бажарадилар.

6. Давлат солиқ қўмитасининг, давлат солиқ хизматининг ҳудудий органларининг моддий-техника таъминоти, шу жумладан, уларнинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари, Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

7. Давлат солиқ қўмитаси ва давлат солиқ хизматининг ҳудудий органлари юридик шахс ҳисобланадилар, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўладилар.

2-боб. Давлат солиқ қўмитасининг асосий вазифалари

8. Қуйидагилар Давлат солиқ қўмитасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш ва солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши юзасидан таъсирчан назоратни таъминлаш;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлиқ ва ўз вақтида тушишини таъминлаш;

солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объектларининг ўз вақтида ҳамда ишончли ҳисобга олинишини таъминлаш, уларни солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этган ҳолда тўлиқ қамраб олиш механизмларини такомиллаштириш;

солиқ солинадиган базани таҳлил қилиш ва кенгайтириш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, шу жумладан макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси ва ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини тизимли таҳлил қилиш орқали солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирларини амалга ошириш, солиқ назоратини амалга оширишнинг замонавий усулларни жорий этиш, солиққа оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш, аниқлаш ва бартараф этиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш;

пул маблағларининг ғайриноқонуний айланиши манбаларига барҳам

бериш, аҳоли билан нақд пулли ҳисоб-китобларни амалга оширадиган юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пул тушумининг ўз вақтида ва тўлиқ топширилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлаш;

солиқ тўловчиларга тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатишга тўлиқ ўтиш йўли орқали солиқ тўловчилар билан ишлашни такомиллаштириш, уларга солиқ мажбуриятларини бажаришда ҳар томонлама кўмаклашиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш;

хўжалик юритувчи субъектлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолиятини рағбатлантиришга, уларга зарур имтиёзлар ва преференциялар беришга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

бозорлар ва савдо комплексларининг молиявий-хўжалик фаолияти, улар томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш ва уларнинг ҳудудида аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича суриштирувлар ўтказиш, жиноий ишларни терговга тегишлилигига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга бериш;

хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш масалалари бўйича республика назорат қилувчи органлари фаолиятининг мувофиқлаштирилишини таъминлаш, ушбу ишларни амалга оширишда бир-бирини такрорлаш ва суиистеъмолликларга йўл қўймаслик;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта ҳамда экспорт-импорт операциялари амалга оширилганда қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан ўз ваколатлари доирасида назоратни амалга ошириш;

кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, давлат солиқ хизмати органларини юксак маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлган малакали ходимлар билан тўлдириш, коррупция ва ишга расмиятчилик билан ёндашиш ҳолатларига кескин барҳам бериш, шунингдек ходимлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш ва улар учун хизматни ўташнинг муносиб шарт-шароитларини яратиш.

3-боб. Давлат солиқ қўмитасининг функциялари

9. Давлат солиқ қўмитаси ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

а) давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш ва солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши юзасидан таъсирчан назоратни таъминлаш соҳасида:

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига, давлат мақсадли жамғармаларига тушиши прогнозини ишлаб чиқишда қатнашади;

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, шу жумладан, табиий ресурслардан эҳтиётлаб ва самарали фойдаланишни рағбатлантиришга йўналтирилган қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни бирхиллаштириш, солиқ юкини қисқартириш, юри-

дик ва жисмоний шахслар фаолиятини рағбатлантириш, уларга зарур имтиёзлар ва преференциялар бериш бўйича таклифлар тайёрлашда қатнашади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси топшириқларига ҳамда ўзининг ташаббусига мувофиқ қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва уларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун киритади;

белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ солиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

солиқ ҳисоботлари ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар шакллари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлайди;

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламларини нашр қилади, давлат солиқ хизмати органларини қонун ҳужжатлари билан таъминлаш чора-тадбирларини кўради;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар билан маълумотларни алмашиш ва солиқ соҳасида ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича халқаро шартномалари лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашади ҳамда уларнинг белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлайди;

солиқ тўловчилар фаолиятининг солиқ текширувларини белгиланган тартибда ўтказиши, шунингдек солиқ тўловчилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига жамғариб бориладиган пенсия бадалларининг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида киритилишини текширади;

давлат солиқ хизмати органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибига риоя қилиниши юзасидан назоратни амалга оширади;

юрidik ва жисмоний шахслар томонидан валюта экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилишини белгиланган тартибда назорат қилади;

солиқ тўловчилардан ёки уларнинг мансабдор шахсларидан тушунтириш хатлари олади, солиқ тўловчининг мол-мулки мавжудлигини текширади, шунингдек ҳудудларни, ишлаб чиқариш, омборхона, савдо биноларини ва бошқа биноларни, шу жумладан, солиқ тўловчилар томонидан даромадлар олиш учун фойдаланиладиган ёхуд солиқ солиш объектини сақлаш билан боғлиқ жойларни кўздан кечиради (текширади);

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан пул маблағлари ва моддий бойликларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини, корхоналар ҳудудига моддий бойликларни олиб кириш ва у ердан олиб чиқишда корхоналарда рухсат бериш тизими ишларининг ташкил этилиши ҳолатини текширади;

солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш

қилиш) жараёнида ҳисоботдаги маълумотларнинг ишончлилиги ва тўғрилигини аниқлаш, давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилган молиявий ҳисоботлар ва солиқ ҳисоб-китобларида фактларнинг бузиб кўрсатилишини аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун бухгалтерия ҳисобларини ва молиявий ҳисоботларни текширади;

хужжатли текширувлар давомида хом ашё, материаллар, ярим фабрикатлар ва тайёр буюмларни тортиб кўради ва ўлчайди, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини ва тақдим этилган солиқ ҳисоб-китобларининг тўғрилигини аниқлаш учун хом ашё ва материаллар сарфи нормалари, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш учун тўғри ҳисобдан чиқарилишини, тайёр маҳсулотнинг тўлиқ кирим қилинишини, маҳсулот чиқиши нормалари ҳамда моддий бойликларни сақлаш ва ташишда табиий йўқотишлар нормалари тўғри белгиланишини аниқлаш учун хом ашё ва материалларни ишлаб чиқаришда назорат тариқасида ишлатиб кўради, хом ашё, материаллар ва тайёр маҳсулотларни назорат тариқасида текширади;

юрidik ва жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилади;

жисмоний ва юрidik шахслардан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши тўғрисида келиб тушган мурожаатлар, хабарлар ва бошқа ахборотларни текширади;

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши фактларини таҳлил қилади ҳамда солиққа оид ҳуқуқбузарликларга олиб келадиган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тегишли органларга таклифлар киритади;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда солиққа оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашишнинг узоқ муддатли ҳамда жорий дасурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш масалалари бўйича республика назорат органлари фаолиятининг мувофиқлаштирилишини, ушбу ишни амалга оширишда бир-бирини такрорлашга ва суиистеъмолликларга йўл кўйилмаслигини таъминлайди;

б) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлиқ ва ўз вақтида тушишини таъминлаш соҳасида:

солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари пайдо бўлиши (тўхтатилиши) тўғрисида ахборот тақдим этадиган органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

белгиланган тартибда солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган молия ва солиқ ҳисоботларини, шунингдек солиқ тўловчиларнинг фаолияти тўғрисида солиқ органлари ягона интеграциялаштирилган ахборот ресурс базасида йиғилган бошқа ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида камерал назоратни амалга оширади;

давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан олинган пул маб-

лағларининг давлат даромадига тўлиқ ва ўз вақтида тушишини, шунингдек давлат органларига берилган мол-мулк ҳисобини назорат қилади;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тушумини таъминлаш бўйича, шу жумладан республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишнинг қўшимча захираларини аниқлаш орқали молия органлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлик қилади;

в) солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объектларининг ўз вақтида ҳамда ишончли ҳисобга олинишини таъминлаш, уларни солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этган ҳолда тўлиқ қамраб олиш механизмларини такомиллаштириш соҳасида:

солиқ тўловчилар, солиқ солинадиган база, шунингдек, солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ бўлган объектларнинг тўлиқ, ўз вақтида ва ишончли ҳисобга олинишини таъминлайди;

юридик ва жисмоний шахсларга, уларни идентификация рақамлари берилган ҳолда солиқ тўловчилар сифатида ҳисобга қўйиш тўғрисида ҳужжатлар берилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил қилади;

Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрини шакллантиради ва юритади;

солиқ органларининг ягона интеграциялаштирилган ахборот ресурс базасида солиқ тўловчилар бўйича солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисоблаб чиқилиши ва амалдаги тушумлари ҳисобини юритади;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар ҳисобини юритади;

банклар томонидан тегишли ахборот тақдим этилишига кўра банк ҳисобварақлари бўйича олти ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачилик фаолияти бўйича — уч ой мобайнида) пул операцияларини амалга оширган ҳолда молия-хўжалик фаолиятини юритмаётган корхоналарни аниқлайди;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга туришдан бўйин товлаш механизмларини ўрганади, аниқлайди ва бартараф этади;

ахборот хавфсизлиги таъминланишини ҳисобга олган ҳолда, барча солиқ тўловчилар ва солиқ тушумлари бўйича солиқ органларининг ягона интеграциялаштирилган ахборот ресурс базасини яратади;

солиқ ахборотларини қабул қилиб олиш, ишлаш, узатиш ва сақлаш жараёнларини автоматлаштириш чора-тадбирларини кўради;

давлат солиқ хизмати органларида, ахборот хавфсизлигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда, ягона ахборот, дастурий-техник ва телекоммуникация тизими жорий этилишини ташкил қилади;

солиқ маъмурчилиги жараёнида давлат солиқ хизмати органлари ишига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этади ҳамда харажатларни мақбуллаштириш ва ресурс таъминотини ривожлантириш учун уларни технологик жараёнларни юритишнинг замонавий тизимлари ва бошқаришнинг тезкор воситалари билан жиҳозлайди;

г) солиқ солинадиган базани таҳлил қилиш ва кенгайтириш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, шу жумладан макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси ва ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини тизимли таҳлил қилиш орқали, солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирларини амалга ошириш, солиқ назоратини амалга оширишнинг замонавий усулларини жорий этиш, солиққа оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш, аниқлаш ва бартараф этиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш соҳасида:

солиқларни тўлашдан бўйин товлаш фактларини аниқлайди ва тегишли чоралар кўради, солиқлар ва тегишли бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларига қарши механизмларни ишлаб чиқади;

солиқ назоратини амалга оширишда замонавий усулларни қўллайди;

Давлат солиқ қўмитасининг техник базасини модернизация қилиш, мустаҳкамлаш ва янгилаш билан ташқи ва ички манбалардан келиб тушадиган маълумотларни таҳлил қилишнинг илғор автоматлаштирилган усулларини жорий этади;

макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси ва ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини тизимли таҳлил қилиш орқали солиқ солинадиган базани кенгайтириш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига, давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ қарзини ундиришни белгиладиган қонун ҳужжатларида назарда тутилган чора-тадбирларнинг ташкиллаштирилишини ва қўлланишини таъминлайди;

акцизоти товарларини ишлаб чиқаришда ва айланмасида ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этилишини белгиланган тартибда ташкиллаштиради ва амалга оширади;

ишлаб чиқариш ва даромадлар миқдорларини яшириш, сотилган маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар ҳажмларини камайтириб кўрсатиш механизмларини ўрганиш ва аниқлашни ташкиллаштиради ва амалга оширади, кўрсатиб ўтилган механизмларнинг қўлланишини бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

солиққа оид ҳуқуқбузарликларни содир қилган шахсларни қидириб топиш учун материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга белгиланган тартибда беради, давлатга етказилган зарарни белгиланган тартибда ундиришни таъминлаш чора-тадбирларини кўради;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларни юритади;

солиққа оид жиноятларнинг содир этилиши ҳолатларини аниқлаш учун, суриштириш, тергов ва суддан яшириниб юрган шахсларни қидириб топиш учун оммавий-ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланади;

д) пул маблағларининг ғайриқонуний айланиши манбаларига барҳам бериш, аҳоли билан нақд пулли ҳисоб-китобларни амалга оширадиган юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пул тушумини ўз вақтида ва тўлиқ топширилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлаш соҳасида:

савдо ва хизматлар кўрсатишни ташкил этишнинг қонунчиликка мувофиқлиги, шу жумладан, назорат-касса машиналарини, пластик карточкалардан тўловларни қабул қилиб олиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини қўллаш, алкогольли ва тамаки маҳсулотларини сотиш ҳамда маркировка қилиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

товарларни улгуржи сотишда қонун ҳужжатларида белгиланган талабларнинг бажарилишини ўз ваколатлари доирасида назорат қилади;

нақд пул маблағлари муомалада бўлишининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нақд пул айланмасига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш тадбирларини ташкил қилади ва амалга оширади;

тадбиркорлик субъектларида, шунингдек бозорлар ва савдо комплексларида, бир марталик йиғимлар, бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида кўрсатилган хизматлар учун ижара тўловларининг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилиши, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари бажарилиши, нақд пул маблағлари ёки пластик карточкалар бўйича тўлов шаклига қараб нархларнинг сунъий равишда оширилиши ёки пасайтирилиши, назорат-касса машиналарининг, тўлов терминалларининг қўлланилиши, шунингдек белгиланган тартибда талон ва чекларнинг берилиши, нақд пул тушумининг ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда инкассация қилиниши масалалари бўйича белгиланган тартибда қисқа муддатли текширишларни амалга оширади;

е) солиқ тўловчиларга тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатишга тўлиқ ўтиш йўли орқали солиқ тўловчилар билан ишлашни такомиллаштириш, уларга солиқ мажбуриятларини бажаришда ҳар томонлама қўмаклашиш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш соҳасида:

солиқ тўловчилар билан ишлашда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилишини таъминлайди;

солиққа доир қонун ҳужжатларини нашр этиш, қўпайтириш ва давлат солиқ хизмати ҳудудий органларига етказиш, маслаҳат хизматлари кўрсатиш, солиқ тўловчиларни солиқларни ўз вақтида ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоботларини ва солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатларни тақдим этишга ўқитиш учун сервис-марказлар ташкил қилади;

солиқ солиш масалаларига дахлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни солиқ тўловчиларга ва аҳолига ўз вақтида таништириш ва етказиш ишларини ташкил этади;

солиқ тўловчиларга реал вақт режимда кенг қўламли интерактив хизматлар кўрсатилишини ташкил этади;

солиқ тўловчиларга солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали, шунингдек Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон хизмат кўрсатилишини таъминлайди;

юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатлари ҳимояланишини таъминлайди;

давлат солиқ хизмати органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлайди;

солиқ мажбуриятларининг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши учун солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш чораларини амалга оширади;

юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ солиш ва солиқ қонунчилиги бузилиши масалалари бўйича муурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқади;

солиқ тўловчи тўғрисидаги маълумотларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ сир тутилишига риоя этиш ишларини ташкил қилади;

ж) бозорлар ва савдо комплексларининг молиявий-хўжалик фаолияти, улар томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш ва уларнинг ҳудудида аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича суруштирувлар ўтказиш, жиноий ишларни терговга тегишлилигига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга бериш соҳасида:

бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автомобилларни вақтинчалик сақлаш жойларида молиявий-иқтисодий ҳамда солиқ соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларни аниқлайди, олдини олади ва бартараф этади;

бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудларида сифатсиз, қалбакилаштирилган (ясама) ёки контрабанда товарларини тайёрлаш ва сотишга қарши курашади;

бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ бўлган автомобиль воситаларининг тўхташ жойлари, шунингдек улар ҳудудида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятдан олинган пул оқимлари ҳаракати мониторингини ва маблағлар тушуми ҳисобининг тўлиқлигини таъминлайди;

бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойлари, шунингдек уларнинг ҳудудида фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари пул маблағлари тушумлари ва товар айланмаси тўғрисида давлат солиқ хизмати органларига тушадиган маълумотларнинг ишончилигини текшириш учун банклар ҳамда статистика органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида, уларга туташ бўлган автомобиль воситаларининг тўхташ жойларида молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳаларида ҳуқуқни бузиш содир этилиши ҳолатлари бўйича терговдан олдинги текширишларни ташкил этади ва олиб боради, жиноий ишлар кўзгайди, улар бўйича суруштирув ишларини амалга оширади, жиноят ишларини терговга тегишлилигига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга беради;

солиққа оид ҳуқуқбузарликлар натижасида давлатга, юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарнинг белгиланган тартибда ундирилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўради;

з) кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, давлат солиқ хизмати солиқ органларини маънавий-ахлоқий жиҳатдан юқори малакали ходимлар билан тўлдириш, коррупция ва ишга расмиятчилик билан ёндашиш ҳолатларига кескин барҳам бериш, шунингдек ходимлар ўртасида ҳуқуқбузарлик-

лар профилактикасини таъминлаш ва улар учун хизматни ўташнинг муносиб шарт-шароитларини яратиш соҳасида:

қўйилган талабларга мувофиқ давлат солиқ хизмати органларига маънавий-ахлоқий жиҳатдан юқори малакали ходимларни танлаш ва тўлдириш бўйича ишларни ташкил этади;

белгиланган тартибда таълим муассасалари ташкил этиш йўли билан, давлат олий таълим муассасалари имкониятларидан фойдаланган ҳолда давлат солиқ хизмати органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларининг тизимли асосда ташкил этилишини таъминлайди, шунингдек ривожланган хорижий мамлакатларнинг солиқ органлари ва ўқув муассасалари билан тажриба алмашишнинг кенгайтирилишини амалга оширади;

давлат солиқ хизмати органлари ходимлари лавозимларининг малака тавсифномаларини ишлаб чиқади, раҳбарлар ва мутахассисларни аттестациядан ўтказиши, уларга ўз ваколатлари доирасида махсус унвонлар беради;

кадрларни Ўзбекистон Республикасига ватанпарварлик, ҳалоллик ҳамда ҳуқуқий давлат ғоялари ва асосларини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш юзасидан узлуксиз ишларни амалга оширади;

тегишли танловдан ўтмаган ёки лавозим вазифаларини жиддий бузганлиги учун илгари давлат солиқ хизмати органларидан бўшатишнинг ишга қабул қилинишига йўл қўймаслик юзасидан назоратни таъминлайди;

давлат солиқ хизмати органлари ходимлари томонидан солиқ тўловчиларга нисбатан ғаразли мақсадларда ноқонуний таъсир кўрсатиш ҳолатларини аниқлайди ва уларга барҳам беради;

давлат солиқ хизмати органларида коррупция ҳолатларини аниқлашга, уларнинг олдини олишга, қарши курашишга ва бартараф этишга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади, ташкил этади ва уларни амалга оширишда қатнашади;

давлат солиқ хизмати органларининг ходимлари ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

хизмат вазифаларини бажараётганда давлат солиқ хизмати органлари ходимларини ноқонуний тажовузулардан ҳимоя қилишни таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

хар икки йилда кўпи билан бир марта давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари ва идоравий мансуб ташкилотларининг бюджет ва хўжалик фаолияти бўйича харажатлар сметалари ижроси юзасидан тафтишни амалга оширади. Жуда зарур бўлганда ва молия-хўжалик фаолиятида қонун бузилишларига йўл қўйилган ҳолатлар тўғрисида ишончли ахборот мавжуд бўлган тақдирда навбатдан ташқари тафтишлар ўтказилиши мумкин;

давлат солиқ хизматининг ҳудудий органлари ва тасарруфидаги ташкилотлар томонидан моддий ва пул ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари бажарилишини таъминлайди, хўжасизлик, исрофгарчилик, давлат маблағларини ва бюджетдан ташқари маблағларни асоссиз равишда сарфлаш, смета интизомини бузиш ҳолатларига барҳам беради.

4-боб. Давлат солиқ қўмитасининг ҳуқуқлари

10. Давлат солиқ қўмитаси ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) солиқ тўловчиларнинг молиявий хужжатларини, шартномаларини (контрактларини), режаларини, сметаларини, даромадлари тўғрисидаги декларацияларини ҳамда солиқларни, бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш, фуқароларнинг яқка тартибдаги жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини тўлаш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларини, шу жумладан, электрон ҳужжатларини, шунингдек экспорт-импорт операциялари билан боғлиқ ҳужжатларини текшириш;

2) солиқ текширувларини ўтказётганда:

худудни, ишлаб чиқариш, омборхона, савдо биноларини ва бошқа биноларни (шунингдек, алоҳида режимда ишлайдиган корхоналарни), шу жумладан, солиқ тўловчи томонидан даромадлар олиш учун фойдаланиладиган ёхуд солиқ солиш объектларини сақлаш билан боғлиқ жойларни, уларнинг жойлашган жойидан қатъи назар, текшириш;

мол-мулкларни хатлаш ва бажарилган ишларни, кўрсатилган хизматларни назорат тартибида ўлчаш;

кассаларни ҳамда товар-моддий бойликлар ва ҳужжатлар (шу жумладан, электрон тарзидаги ҳужжатларни) сақлаш жойларини муҳраб қўйиш;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш билан боғлиқ ҳужжатларни талаб қилиш;

ҳужжатларни (нусхаларини, шунингдек асл нусхаларини), шу жумладан электрон ҳужжатларни, предметларни (товарлар, буюмлар, хом ашёлар, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотлар намуналарини), шунингдек ҳуқуқбузарлик предметларини олиб қўйиш, олиб қўйилиши солиқ тўловчи фаолиятининг тўхтаб қолишига олиб келадиган ҳужжатлар бундан мустасно. Солиқ тўловчи фаолиятининг тўхтаб қолишига олиб келадиган ҳужжатлар ва предметларни олиб қўйиш фақат суд қарори асосида амалга оширилади;

солиқ тўловчидан, шунингдек раҳбарлик функцияларини ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш функцияларини амалга оширадиган шахслардан, солиқ тўловчининг бошқа моддий жавобгар ходимларидан тушунтириш хатлари, ахборотлар, маълумотлар, ҳужжатлар ва уларнинг нусхаларини олиш;

текширилатган солиқ тўловчиларнинг раҳбарларидан асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари ва ҳисоб-китобларни хатловдан ўтказишни талаб қилиш;

таржимонни, экспертни жалб этиш ва экспертизани тайинлаш;

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишлари бартараф этилишини талаб қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа хатти-ҳаракатларни амалга ошириш;

3) савдо, товарлар сотиш ва пулли хизматлар кўрсатиш қоидаларига риоя

этилиши, шунингдек нақд пул тушумининг банкка ўз вақтида топширилишини, шу билан бирга нақд пул маблағлари ёки пластик карточкалар бўйича тўлов шаклига қараб нархларни сунъий равишда ошириш ёки пасайтириш, назорат-касса машиналаридан, ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш, белгиланган тартибда талонлар ва чекларни бериш, нақд тушумни ўз вақтида ва тўла ҳажмда инкассация қилиш масалалари юзасидан текширувларни белгиланган тартибга мувофиқ амалга ошириш;

4) солиқ текширувларини ўтказаятганда фискал хотирали назорат-касса машинасида сақланаётган маълумотлардан фойдаланиш;

5) белгиланган тартибда қуйидагиларни олиш:

банклардан ва бошқа кредит-молия ташкилотларидан солиқ тўловчиларнинг ҳисоб-китоб ҳисобварақларида ёки бошқа ҳисобварақларида амалга оширилган операциялар ҳақидаги, шунингдек ушбу ҳисобварақларда мавжуд пул маблағлари тўғрисидаги маълумотларни;

божхона органларидан ва бошқа ваколатли органлардан импорт-экспорт операциялари амалга оширилганлиги ва солиқ тўловчилар тўғрисидаги бошқа зарур маълумотларни;

вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлардан давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг хизмат вазифалари масалалари бўйича маълумотларни;

6) белгиланган тартибда:

қурилиш, монтаж, таъмирлаш ва бошқа ишларни назорат ўлчовидан ўтказиш учун малакали мутахассисларни жалб этиш;

иктисодий жиноятлар билан курашишда илмий-техник воситалардан ва усуллардан фойдаланиш;

ўтказиладиган текширишларда бошқа назорат қилувчи органлар, вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш;

мансабдор шахсларни, фуқароларни аниқланган ҳуқуқбузарлик фактлари бўйича тушунтиришлар бериш учун солиқ хизмати органларига таклиф этиш;

7) солиқ тўловчи томонидан ҳисобга олиш ҳужжатлари йўқотиб қўйилган ёки йўқ қилинган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўланиши керак бўлган солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар суммасини солиқ тўловчи тўғрисида ўзида мавжуд бўлган ахборотлар, шунингдек бошқа ана шундай солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилиш йўли билан мустақил равишда белгилаш;

8) солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати мобайнида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисоблаб чиқилган суммасини ҳисоблаб чиқариш ёки қайта кўриб чиқиш;

9) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш функцияларини амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотларни солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисоблаб чиқилганлиги, тўлиқ ундирилганлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига ўз вақтида ўтказилганлиги юзасидан назорат қилиш;

10) солиқ текширувини ўтказишга солиқ тўловчи томонидан тўсқинлик қилинганда ёки ҳудудларни, биноларни, шу жумладан, солиқ тўловчи томонидан даромадлар олиш учун фойдаланилаётган ёхуд солиқ солиш объектини сақлаш билан боғлиқ жойларни текшириш учун давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсларини киритиш рад этилганда, солиқ тўловчи маълум қилинган манзилда бўлмаганда, шунингдек солиқ тўловчи томонидан солиқ ҳисоботи ва (ёки) молиявий ҳисобот, камерал назорат натижалари бўйича тафовутларнинг асослари ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи белгиланган муддатда тақдим этилмаган ҳолатларда банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш бўйича суд тартибида чора-тадбирлар кўриш (жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳамда терроризмни молиялаштиришнинг аниқланган ҳолатлари бундан мустасно)

11) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш ва юридик ҳамда жисмоний шахсларга нисбатан молиявий санкцияларни қўллаш. Хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан молиявий санкциялар суд тартибда қўлланади, улар содир этилган ҳуқуқбузарликлардаги айбини эътироф этган ва молиявий санкциялар суммасини ихтиёрий равишда тўлаган ҳолатлар бундан мустасно;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазолар қўллаш;

12) аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бўйича товар-моддий бойликларни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда ва тартибда давлат даромадига ўтказиш. Солиқ тўловчилар — юридик шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг товар-моддий бойликларини давлат даромадига ўтказиш суд тартибида амалга оширилади;

13) солиқ тўловчилар томонидан ноқонуний олинган маблағларни давлат даромадига ундириш тўғрисида уларга нисбатан судга даъволар тақдим этиш;

14) солиқ тўловчи мажбуриятларининг бажарилиши зарурлиги тўғрисида ва солиқ қарзини мажбурий тартибда ундириш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар тўғрисида солиқ тўловчига талабнома юбориш;

15) солиқ тўловчи солиқ ҳисоботи тақдим этилган санадан эътиборан ўн кун мобайнида ёзма ариза бермаган тақдирда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ортиқча тўланган суммаларини солиқ қарзини, шу жумладан улар бўйича пеня ва жарималарни узиш ҳисобига ҳисобга олишни амалга ошириш тўғрисида тегишли молия органларига мустақил равишда хулоса тақдим этиш;

16) Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига белгиланган ҳолатларда ҳужжатларни, агар улар чет тилда тузилган бўлса, нотариал тасдиқлаган ҳолда давлат тилига таржима қилишни талаб қилиш;

17) юридик шахсларнинг фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, мол-мулк солиғи бўйича жорий тўловлар суммаси ҳисобкитоб бўйича бюджетга тўланадиган солиқ суммасига нисбатан 10 фоиздан

қўпроқ камайтирилган тақдирда, жорий тўловларни солиқларнинг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб, пеня ҳисоблаган ҳолда қайта ҳисоблаш;

18) бозорларда, савдо комплексларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш жойларида бир марталик йиғимнинг тўлиқ тушганлигини ва уни топшириш ҳисобини, ижара тўловини, назорат-касса машиналаридан фойдаланилишини, ҳисоб-китоб терминалларини, савдо ва хизматлар кўрсатиш қоидаларига риоя этилишини белгиланган тартибда қисқа муддатли текширишларни амалга ошириш, шу жумладан, нақд пул маблағлари ёки пластик карточкалар бўйича тўлов шаклига қараб нархларни сунъий равишда ошириш ёки пасайтириш, шунингдек белгиланган тартибда талонлар ва чекларни бериш, нақд тушумни ўз вақтида ва тўла ҳажмда инкассация қилиш масалалари юзасидан текширувларни ўтказиш.

19) бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш жойларида аниқланган молия-иқтисодий ва солиқ соҳаларидаги бузилишлар содир этилганлиги фактлари бўйича суриштирувгача бўлган текширишларни ўтказиш, улар бўйича жиноий ишлар қўзғаш ва суриштирувлар ўтказиш, кейинчалик ишларни терговга тегишлилигига қараб қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга бериш.

Давлат солиқ хизмати органлари мазкур Низомда ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадир.

11. Ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилган ҳуқуқлар белгиланган ваколатлар доирасида:

1 — 9, 17 — 19-кичик бандлари — давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахсларига берилади;

10 — 16-кичик бандлари — давлат солиқ хизмати органлари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарларига берилади.

12. Давлат солиқ хизмати органларига давлат статистика, ахборот, архив, маълумотнома ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар томонидан солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотлар бериш юзасидан хизматлар (ишлар) бепул амалга оширилади.

5-боб. Давлат солиқ қўмитаси мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

13. Давлат солиқ қўмитаси мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, ушбу Низом, шунингдек Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларида хизматни ўташ тўғрисидаги низом билан тартибга солинади.

14. Давлат солиқ қўмитасининг мансабдор шахслари:

ўзларининг функционал вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги, ижро интизомини бузганлиги;

мазкур Низом ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилмаганлиги;

ноқонуний хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) туфайли солиқ тўловчиларга моддий ва маънавий зарар етказганлиги;

ўзларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш ҳажмларини пасайтирганлиги ва солиқ солиш базасини камайтирганлиги;

амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган қарорлар қабул қилганлиги;

қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқ бузилишлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавоб берадилар.

15. Давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг ўз хизмат ваколатлари доирасидан четга чиққанлиги, шунингдек зиммасига юкланган хизмат вазифаларини бажармаганлиги қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

16. Солиқ назоратини амалга оширишда давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган зарарлар қонунда белгиланган тартибда қопланиши керак.

17. Текширилган солиқ даври учун солиқ тўловчи томонидан тўланган ёки тўланиши керак бўлган айнан бир хил солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича текширишларни такроран ўтказиш тақиқланади.

18. Жисмоний ва юридик шахслар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини бузаётган давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ёки қарорлари юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда Давлат солиқ қўмитаси раҳбариятига ёхуд бевосита судга шикоятлар билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

6-боб. Моддий таъминот

19. Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг иш ҳақи лавозим маошидан, махсус унвонлар, узоқ хизмат муддати учун устамалардан, дам олиш ва байрам кунлари учун тўловлар, бошқа устама, қўшимча ҳақлардан иборат бўлади ҳамда у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

20. Назорат-тафтиш бош бошқармасининг ҳамда Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш бош бошқармасининг, шунингдек уларнинг ҳудудий тузилмалари ходимларига Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан улар лавозим маошининг 20 фоизи миқдоридан махсус устамалар белгиланади.

21. Қўйидагилар давлат солиқ хизмати органлари ходимларини моддий рағбатлантиришнинг асосий турлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тўловлар тушумлари прогнози бажарилганлиги ва ортиғи билан бажарилганлиги ҳамда солиқ бўйича қарзлар миқдори пасайтирилганлиги учун ой, чорак, ярим йиллик иш якуналари бўйича мукофотлаш;

алоҳида муҳим топшириқлар бажарилганлиги учун яқка тартибда мукофотлаш;

ходимларнинг лавозим маошига иш участкасининг мураккаблиги ва муҳимлиги ҳамда меҳнатда юқори натижаларга эришганлиги учун устамалар тўлаш;

хизмат вазифаларини бажариш чоғидаги алоҳида хизматлари учун ва пенсияга чиқиши муносабати билан қимматбаҳо совғалар билан мукофотлаш;

давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг лавозим маошларига уларнинг функционал вазифаларини бажаришларини, билимлари даражасини, солиқ тўловчилар билан иш олиб бориш касбий қобилиятларини ҳар йили тест синовларидан ўтказиш асосида белгиланадиган махсус рағбатлантирувчи устамалар.

22. Давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг функционал вазифаларини бажариши, билим даражаси, солиқ тўловчилар билан иш олиб бориш бўйича касбий қобилиятларини тест синовидан ўтказиш натижалари бўйича бериладиган тоифаларга қараб лавозим маошларига 10 фоиздан 30 фоизгача миқдорда махсус рағбатлантирувчи устамаларни қўллаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади.

23. Давлат солиқ хизмати органларининг бош бошқармалари, бошқармалари, бўлимлари ва бошқа бўлинмалари ходимларини ой, чорак, ярим йилдаги иш якунлари бўйича мукофотлаш республика ва маҳаллий бюджетларга, давлат мақсадли жамғармаларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тушумлари прогнози бажарилганлиги ва ортиғи билан бажарилганлиги учун ҳамда улар фаолиятини тавсифловчи бошқа асосий кўрсаткичлар бажарилганлиги учун давлат солиқ хизмати тегишли органларининг раҳбарлари қарорлари билан, белгиланган тартибда амалга оширилади.

24. Бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобига шакллантириладиган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди маблағлари, шунингдек Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий муҳофаза, солиқ органларини ривожлантириш ҳамда кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси маблағлари давлат солиқ хизмати органлари ходимларига тўловлар, шу жумладан мукофотлар манбалари ҳисобланади.

7-боб. Давлат солиқ қўмитаси фаолиятини ташкил этиш

25. Давлат солиқ қўмитасига Ўзбекистон Республикаси Бош вазири тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган раис раҳбарлик қилади.

Давлат солиқ қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари бўлади.

26. Давлат солиқ қўмитасининг раиси:

давлат солиқ хизмати органлари фаолиятига раҳбарлик қилади ҳамда

уларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун жавоб беради;

белгиланган ваколатлари доирасида, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида ва уларни бажариш юзасидан буйруқлар чиқаради, йўриқномалар, қоидалар, низомларни тасдиқлайди ҳамда давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;

Давлат солиқ қўмитаси марказий аппаратининг штат жадвалини тасдиқлайди;

зарур ҳолатларда давлат солиқ хизмати органларининг тасдиқланган тузилмаларига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий химоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғарма маблағлари ҳисобидан давлат солиқ хизмати органларининг қўшимча штат бирликларини жорий этиш ҳуқуқига эга;

давлат солиқ хизмати органлари ходимларини моддий рағбатлантириш, шу жумладан мукофотлаш тўғрисида қарор қабул қилади;

давлат солиқ хизмати органлари ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

алоҳида ўрناق кўрсатган ходимларни республика давлат мукофотлари беришга белгиланган тартибда тақдим этади, давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари учун Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган махсус унвонлар беради;

Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва бошқа ташкилотларида, шунингдек бошқа давлатларнинг давлат солиқ хизмати органлари билан муносабатларда давлат солиқ хизмати манфаатларини ифодалайди.

Давлат солиқ қўмитаси раиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

27. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлиқлар бошчилик қилади.

Туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияларига Давлат солиқ қўмитаси раиси томонидан белгиланган тартибда тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлиқлар бошчилик қилади.

28. Ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари бошлиқлари ўзларига юкланган вазифалар амалга оширилишини таъминлайди, ўзларига бўйсунувчи бўлинмалар фаолиятини ташкил этади, мувофиқлаштиради ва назорат қилади.

29. Ҳудудий давлат солиқ хизмати органларининг штат жадваллари давлат солиқ бошқармаси бошлиғи томонидан, бошқарув ходимларининг белгиланган сони ҳамда ёрдамчи ходимларнинг амалдаги ҳисоб нормативлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида тасдиқланади.

30. Давлат солиқ қўмитаси марказий аппаратининг таркибий тузилмалари, ҳудудий давлат солиқ бошқармалари тўғрисидаги низомлар Давлат солиқ қўмитаси раиси томонидан, туманлар (шаҳарлар) давлат солиқ инспекциялари тўғрисидаги низомлар эса — Давлат солиқ қўмитаси раиси томонидан тасдиқланадиган туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси тўғрисидаги намунавий низом асосида ҳудудий давлат солиқ бошқармалари бошлиқлари томонидан тасдиқланади.

31. Давлат солиқ қўмитасида Давлат солиқ қўмитасининг раиси, раиснинг биринчи ўринбосари, раис ўринбосарлари ва Давлат солиқ қўмитаси фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи таркибий бўлиnmалари раҳбарларидан иборат таркибда ҳайъат ташкил этилади.

Ҳайъатнинг сони ва шахсий таркиби Давлат солиқ қўмитаси раисининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

32. Ҳайъат қўйидагилар билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади:

Давлат солиқ қўмитаси фаолиятининг солиқ қонунчилигига риоя этилишини янада таъминлаш, давлатнинг иқтисодий манфаатлари ва мулкрий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ушбу Низомда назарда тутилган асосий йўналишларини тайёрлаш ва амалга ошириш;

Давлат солиқ қўмитаси номенклатурасига кирадиган лавозимларга кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича ижро интизомини мустаҳкамлаш, Давлат солиқ қўмитаси раҳбарлари ва ходимларининг уларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлигини ошириш.

Ҳайъат, шунингдек Давлат солиқ қўмитаси ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

33. Ҳайъат мажлисига Давлат солиқ қўмитаси ваколатига кирадиган масалалар бўйича бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотлар раҳбарлари таклиф этилиши мумкин.

Ҳайъат агар унинг мажлисида таркибининг ярмидан кўпи қатнашган тақдирда ваколатли бўлади. Кўриб чиқиладиган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

34. Ҳайъат қарорлари Давлат солиқ қўмитаси қарорлари ва раиснинг буйруқлари билан амалга оширилади. Ҳайъат раиси ва аъзолари ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлган тақдирда раис пайдо бўлган келишмовчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берган ҳолда мустақил равишда қарор қабул қилади. Ҳайъат аъзолари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига хабар қилишлари мумкин.

Ҳайъат фаолияти тартиби унинг ҳайъат тасдиқлайдиган регламентида белгиланади.

35. Давлат солиқ қўмитасида солиқ қонунларини, шунингдек валютани тартибга солиш ҳақидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг энг мураккаб ва мунозарали масалалари бўйича давлат солиқ хизмати органлари ваколатлари доирасида қарорлар тайёрлаш учун Эксперт кенгаши тузилади. Эксперт кенгаши тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Эксперт кенгашига Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари раҳбарлик қилади.

36. Давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари фаолиятининг, шу жумладан, ҳайъат қарорларини ва Давлат солиқ қўмитаси топшириқларини бажариш билан боғлиқ энг муҳим масалаларни ҳал этиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларида кенгашлар ташкил қилинади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари кенгашларининг шахсий таркиби тегишли ҳудудий давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг тақдимига биноан Давлат солиқ қўмитаси раиси томонидан тасдиқланади.

37. Солиққа оид қонун ҳужжатларини қўллашнинг энг мураккаб ва мунозарали масалалари бўйича қарорлар тайёрлаш, юқори малакали маслаҳатлашувлар ўтказиш учун давлат солиқ бошқармаларида маслаҳат-эксперт кенгашлари ташкил этилади.

38. Давлат солиқ қўмитасига аҳоли ўртасида тушунтириш ва профилактика ишларини амалга ошириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзининг матбаа органларини таъсис этиш ва нашр қилиш ҳуқуқи берилган.

39. Давлат солиқ қўмитасида ва давлат солиқ хизматининг ҳудудий органларида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси ташкил этилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Давлат солиқ қўмитасининг раиси томонидан, белгиланган тартибда тасдиқланади.

8-боб. Якунловчи қоида

40. Давлат солиқ қўмитасини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 28 августдаги 677-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларида
хизматни ўташ тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларига мансабдор шахсларни хизматга қабул қилиш тартибини ва давлат хизматини ўташи шарт-шароитларини, уларни рағбатлантиришни ва уларнинг масъулиятини, шунингдек уларга махсус унвонлар бериш ва улардан маҳрум қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги таърифлардан фойдаланилади:

раҳбарлик лавозимлари — давлат солиқ хизмати органларининг бошқарув функцияларини амалга оширувчи, ходимларга раҳбарлик қилувчи, зарур қарорларни ишлаб чиқувчи ва қабул қилувчи, давлат солиқ хизмати органлари фаолияти жараёнларини режалаштирувчи, назорат қилувчи ва тартибга солувчи, қўйилган мақсадга эришиш ҳамда давлат солиқ хизмати органларига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур ташкилий-техник шарт-шароитлар билан таъминловчи ходимлари лавозимлари;

инспекторлар таркиби лавозимлари — мазкур банднинг иккинчи хатбошисида кўрсатилган ваколатлар берилмаган ҳолда давлат солиқ хизмати органларига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажарувчи солиқ хизмати ходимлари лавозимлари;

3. Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларига (кейинги ўринларда мансабдор шахслар деб аталади) давлат солиқ хизмати органларида штатдаги лавозимларни эгаллаб турган шахслар киради ва уларга эгаллаб турган лавозимларига ҳамда узоқ муддат ишлаганлигига мувофиқ равишда қуйидаги махсус унвонлар берилади:

- солиқ хизматининг бош давлат маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг I даражали давлат маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг II даражали давлат маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг III даражали давлат маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг I даражали маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг II даражали маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг III даражали маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг I даражали инспектори;
- солиқ хизматининг II даражали инспектори;
- солиқ хизматининг III даражали инспектори;
- солиқ хизматининг инспектори.

2-боб. Хизматга қабул қилиш ва лавозимга тайинлаш

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тасдиқланади ва эгаллаб турган лавозимидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, раис ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси марказий аппаратининг ушбу банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларида санаб ўтилмаган мансабдор шахслари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бошлиқлари ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бўлимлари бошлиқлари, туманлар (шаҳарлар) давлат солиқ инспекциялари бошлиқлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг буйруғи билан тайинланадилар.

Ушбу банднинг биринчи — учинчи хатбошиларда санаб ўтилмаган мансабдор шахслар тегишли давлат солиқ хизмати органи раҳбари томонидан тайинланадилар.

5. Давлат солиқ хизмати органларида хизматга ёши, миллати, жинси, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ва мансаб мавқеидан қатъи назар, ўзларининг касб, ишчанлик, шахсий ва маънавий сифатларига, маълумоти даражасига ва саломатлигига кўра давлат солиқ хизмати органларига юкланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлашга қодир бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинадилар.

6. Давлат солиқ хизмати органларининг инспекторлар таркиби лавозимлари ўрта махсус, касб-хунар таълими даражасидан кам бўлмаган иқтисодиёт ва ҳуқуқ (ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш учун масъул бўлган таркибий тузилмаларда — компьютер технологиялари ва информатика таълими соҳасидаги йўналишлар ва мутахассисликлар) соҳасидаги йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича маълумотга эга бўлган шахслар томонидан танлов асосида эгалланади.

Давлат солиқ хизмати органларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган шахслардан ташқари, раҳбарлик лавозимлари танлов асосида мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича олий маълумотга эга бўлган шахслар томонидан эгалланади.

Танловлар ўтказиш, хизматга қабул қилиш ва бошқа доимий ишга ўтказиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат солиқ қўмитаси деб аталади) томонидан белгиланади.

Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимлари таркиби таълимнинг иқтисодиёт соҳасидаги йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича олий маълумотга ҳамда давлат солиқ хизмати органларининг солиқ назорати функциялари билан боғлиқ бўлинмаларида марказий аппарат ходимлари учун — камида 5 йил ва ҳудудий бўлинмалар ходимлари учун — камида 3 йил умумий иш стажига эга бўлган юқори малакали мутахассислар билан бутланади.

7. Қуйидаги шахслар:

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган;

судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки қонунчиликда белгиланган тартибда олиб ташланмаган;

белгиланган тартибда ҳуқуқий лаёқатсиз ёки ҳуқуқий лаёқати чекланган деб эътироф этилган;

меҳнат ҳақидаги қонунларга мувофиқ илгари иш берувчининг ташаббуси билан давлат солиқ хизмати органларидан бўшатиш (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисмининг 1, 2 ва 5-бандлари бўйича бўшатиш ҳоллар бундан мустасно), шунингдек бошқа орган ва ташкилотлардан обрўсини тўқадиган хатти-ҳаракат содир этганлик учун бўшатиш шахслар давлат солиқ хизмати органларига хизматга қабул қилинмайдилар.

8. Хизматга қабул қилаётган шахс билан тегишли давлат солиқ хизмати органи меҳнат шартномаси тузади.

Давлат солиқ хизмати органларида хизмат қилиш тўғрисидаги намунавий меҳнат шартномаси шакли Давлат солиқ қўмитаси раиси томонидан белгиланади.

9. Давлат солиқ хизмати органларига хизматга қабул қилинаётган шахслар штатдаги лавозимга меҳнат шартномасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 84-моддаси талабларига мувофиқ уч ой синов муддати билан тайинланадилар, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган шахслар бундан мустасно.

10. Давлат солиқ хизмати органига хизматга қабул қилинган шахсга бутун хизмат даври учун шахсий табель тартиб рақами берилади.

3-боб. Хизматни ўташ

11. Давлат солиқ хизмати органларида штатдаги лавозимга тайинлашда қуйидаги талабларга риоя қилинади:

мансабдор шахс вазифасини асосий ёки турдош ихтисос бўйича олинган маълумотга мувофиқ ёхуд мавжуд иш тажрибасига мувофиқ бажариши керак. Бошқа ихтисос бўйича вазифаларни бажариш зарурати бўлганда улар қайта тайёрлаш ва тажриба орттиришдан ўтадилар;

мансабдор шахслар янада юқори раҳбарлик лавозимига тасдиқлангунгача ушбу лавозимни бажариб турувчи этиб тайинланишлари мумкин, бунда уларнинг вазифаларни бажариб туриши узлуксиз муддати уч ойдан ошмаслиги керак;

яқин қариндош бўлган ёки яқин қариндошлиги бўлган (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек, эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) мансабдор шахсларнинг, агар уларнинг хизмати бир-бирига бевосита бўйсунуш ёки назоратда бўлиш билан боғлиқ бўлса, айнан бир давлат солиқ хизмати органида хизматни ўташига рухсат этилмайди.

12. Мансабдор шахсларни хизмат бўйича кўтариш уларнинг амалий ишда намоён қилган касбий, маънавий ва ишчанлик сифатларига қараб амалга оширилади.

13. Ишчанлик ва маънавий сифатларини, касб бўйича хизматга лаёқатини баҳолаш ҳамда шахсий қобилияти ва иш тажрибасига мувофиқ оқилона жойлаштириш учун мансабдор шахслар ҳар уч йилда камида бир марта аттестациядан ўтказилади. Навбатдан ташқари аттестациялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ўтказилади.

Мансабдор шахсларни аттестациядан ўтказиш тартиби Давлат солиқ қўмитаси раиси томонидан тасдиқланадиган Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахсларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ белгиланади.

14. Мансабдор шахсларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари қўлланиши мумкин.

Рағбатлантириш чоралари қуйидагилар ҳисобланади:

ташаккурнома;

пул мукофоти;

фахрий ёрлик;

қимматбаҳо совға;

муддатидан олдин ёхуд эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, наватдан ташқари ёки наватдаги махсус унвон бериш;

«Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизматининг Фахрий ходими» кўкрак нишони билан тақдирлаш.

Хизмат вазифасини бажаришда кўрсатилган мардлик ва жасорати, хизмат вазифасини намунали бажарганлиги учун мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат мукофотларига, тақдирлашга тақдим этилиши мумкин.

Интизомий жазо чоралари меҳнат ҳақидаги қонунларда белгиланган тартибда қўлланилади.

Рағбатлантириш ва интизомий жазолаш чораларини қўллаш тартиби Давлат солиқ қўмитаси томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда тасдиқланадиган Давлат солиқ хизмати органларининг ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланади.

15. Коррупция ва бошқа суиистеъмолчиликларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик ва олдини олиш, ходимнинг шахсий ва ишчанлик фазилатларини, унинг фаолияти самарадорлигини тизимли ўрганиш, шунингдек, давлат солиқ хизмати турли йўналишларида билим ва тажрибага эга кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида ходимлар ротация қилинади.

Давлат солиқ хизмати органлари ходимларини ротация қилиш тартиби Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

16. Мансабдор шахсларни бошқа лавозимларга ўтказиш меҳнат ҳақида қонунларга мувофиқ амалга оширилади.

17. Мансабдор шахслар Давлат солиқ қўмитаси таълим муассасаларида ёки бошқа таълим муассасаларида, курсларда, семинарларда белгиланадиган тартибда тайёргарлик, қайта тайёргарлик ҳамда малака оширишдан ўтадилар.

18. Мансабдор шахсларни жисмоний тарбия-спорт бўйича тайёрлаш уларнинг хизмат жойларида, Давлат солиқ қўмитаси Даволаш-соғломлаштириш комплексида (Давлат солиқ қўмитаси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармалари, шунингдек Тошкент шаҳар давлат солиқ инспекциялари ходимлари учун) ёки Давлат солиқ қўмитаси таълим муассасаларида Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

19. Мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан давлат томонидан мажбурий суғурта қилинадилар.

20. Мансабдор шахсларга меҳнат таътиллари бериш тартиби меҳнат ҳақидаги қонунлар билан белгиланади.

Мукофотлар, компенсациялар, моддий ёрдам бериш тартиби ва уларнинг манбалари Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Мансабдор шахслар хизмат фаолиятини амалга ошириш муносабати билан тан жароҳатлари олганда ёки ҳалок бўлганда бир йўла бериладиган нафақалар тўлаш тартиби ва миқдорлари қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади.

4-боб. Мансабдор шахсларнинг давлат солиқ хизмати органларида хизматни ўташ билан боғлиқ ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

21. Мансабдор шахсларнинг давлат солиқ хизмати органларида хизматни ўташ билан боғлиқ ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

22. Мансабдор шахслар бошлиқларининг қасдан берилган ноқонуний тусдаги буйруқларини бажармаслик ҳуқуқига эгадирлар, бунда улар юқори турувчи бошлиқлар буйруғини бажармаганлик сабаблари ҳақида юқори турувчи органларни хабардор қилишга мажбурдирлар.

23. Мансабдор шахслар уларга нисбатан интизомий жазо чорасини қўллаш, шу жумладан, лавозимидан четлатиш ёки бўшатиш тўғрисида қабул қилган қарорлар юзасидан юқори ташкилотларга ва судларга шикоят беришга ҳақлидирлар.

24. Мансабдор шахслар:

Давлат солиқ хизмати органлари ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя этишга;

формали кийим-бош кийиб юришга мажбурдирлар. Давлат солиқ хизмати органларида формали кийим-бошни кийиб юриш тартиби Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади.

25. Мансабдор шахслар:

бирон-бир тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш;

ўриндошлик бўйича ишлаш (илмий, ўқитувчилик ва ижодий фаолият билан шуғулланиш бундан мустасно);

ўз хизмат вазифаларини бажарганлик ёки бажармаганлик учун мукофотлар ёки хизматларни қабул қилиш;

қариндошлар, танишлар ва бошқа бегона шахсларнинг илтимосига қўра қонун ҳужжатларига риоя этмаслик;

иш ташлашлар, сиёсий манифестациялар ва юришларни ташкил этиш ва уларда қатнашиш;

хизмат вазифаларини бажариш чоғида спиртли ичимликлар истеъмол қилиш;

республика давлат солиқ хизмати органлари шаънига доғ туширувчи шахслар билан муносабат ўрнатиш;

давлат солиқ хизмати органларида учинчи шахслар иши бўйича ишончли вакиллар ёки вакиллар бўлиш;

моддий-техника ва ахборот билан таъминлаш, молия воситаларидан, давлатнинг бошқа мол-мулкидан, шунингдек, хизмат ахборотларидан лавозим вазифалари билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш тақиқланади.

26. Мансабдор шахслар томонидан халқаро ва давлатлараро симпозиумларда, конференцияларда ҳамда иш (хизмат) тусидаги бошқа учрашувларда олинган 200 АҚШ долларига тенг миқдордан ортиқ қимматбаҳо совғалар белгиланган тартибда бюджет даромадига ўтказилади, уларнинг спорт мусобақаларида, ижодий ва касб бўйича танловларда олган шахсий совринлари бундан мустасно.

27. Мансабдор шахсларнинг ва улар оила аъзоларининг ҳаёти, саломатлиги, шаъни ва кадр-қимматини ушбу шахслар томонидан хизмат бурчи бажарилиши муносабати билан жинойӣ тажовузулардан муҳофаза қилиш амалдаги қонун ҳужжатлари билан қафолатланади.

28. Хизмат вазифаларини ёки хизмат бурчини бажариш муносабати билан мансабдор шахс мол-мулкига етказилган зарар Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағларидан тўланади, ушбу сумма кейинчалик айбдор шахслардан ундирилади.

29. Мансабдор шахслар қонун ҳужжатлари талабларига, шунингдек Давлат солиқ қўмитасининг хизматни ўташ ва кадрлар билан ишлаш масалалари бўйича ҳужжатлари талабларига аниқ риоя этилиши юзасидан шахсан жавоб берадилар.

30. Давлат солиқ хизмати органлари раҳбарлари ўзларига бўйсунувчи ходимларни хизмати учун хавфсиз, мақбул шарт-шароитлар билан таъминлашга, уларнинг қонун ҳужжатларида, шунингдек Давлат солиқ қўмитаси ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқларини муҳофаза қилишга, уларга хизмат бўйича кўтарилиш ва маданий ҳордиқ учун имкониятлар яратишга мажбурдирлар.

5-боб. Мансабдор шахсларга махсус унвонлар бериш ва уларни махсус унвонлардан маҳрум қилиш тартиби

31. Малака тавсифномалари талабларига жавоб берадиган мансабдор шахсларга, аттестациядан ижобий ўтган тақдирда, штатлар рўйхати бўйича эгаллаб турган лавозимини ҳисобга олган ҳолда ҳамда олдинги унвонида хизмат қилиш муддати тугагач, изчил тартибда қўйидаги навбатдаги махсус унвонлар бериледи:

Давлат солиқ қўмитаси марказий аппарати ва унга идоравий мансуб таълим муассасаларида:

Штатдаги лавозим*	Махсус унвон
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси	Солиқ хизматининг бош давлат маслаҳатчиси
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари	Солиқ хизматининг I даражали давлат маслаҳатчиси
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари	Солиқ хизматининг II даражали давлат маслаҳатчиси
Бош бошқарма бошлиғи, мустақил бошқарма бошлиғи, ишлар бошқарувчиси, Солиқ академияси проректорлари, солиқ коллежлари директорлари	Солиқ хизматининг III даражали давлат маслаҳатчиси
Солиқ академияси факультетлари деканлари, солиқ коллежлари директорларининг ўринбосарлари, бош бошқармада бошқарма бошлиғи, мустақил бўлим бошлиғи, раис котибияти мудирлари, раис ёрдамчиси, раис ҳузуридаги котибият катта референти, навбатчи қисм бошлиғи	Солиқ хизматининг I даражали маслаҳатчиси
Бош бошқарма ёки бошқарма бўлими бошлиғи, бошқармада бўлим бошлиғи ўринбосари, раиснинг биринчи ўринбосари ёрдамчиси, Солиқ академияси факультети деканининг ўринбосари, давлат солиқ бош инспектори, бош суриштирувчи, тезкор ходим, шўба бошлиқлари, бош юрисконсулт, бош иқтисодчи, бош мутахассис	Солиқ хизматининг II даражали маслаҳатчиси
Етакчи мутахассис, давлат солиқ катта инспектори, навбатчи қисм навбатчиси, катта суриштирувчи, етакчи бухгалтер, Солиқ академиясининг кафедра мудирлари, профессор ва доцентлари, Солиқ академиясининг ахборот-ресурс маркази директори	Солиқ хизматининг III даражали маслаҳатчиси
Давлат солиқ инспектори, I тоифали мутахассис, I тоифали бухгалтер, Солиқ академияси ва солиқ коллежларининг ўқитувчилари, Солиқ академиясининг илмий кенгаши котиби	Солиқ хизматининг I даражали инспектори

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, шунингдек туманлар (шаҳарлар) давлат солиқ инспекцияларида:

Штатдаги лавозим*	Махсус унвон
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бошлиқлари	Солиқ хизматининг III даражали давлат маслаҳатчиси
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари, ўринбосарлари, Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиқлари, вилоятлар марказлари шаҳарлари давлат солиқ инспекциялари бошлиқлари, 200 минг кишидан ортиқ аҳолиси бўлган шаҳарлар давлат солиқ инспекциялари бошлиқлари, Тошкент шаҳридаги туманлар давлат солиқ инспекциялари бошлиқлари	Солиқ хизматининг I даражали маслаҳатчиси
Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиқларининг ўринбосарлари ва мустақил шўъбаларнинг бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар давлат солиқ бошқармалари мустақил бўлимлари ва шўъбалари бошлиқлари, Тошкент шаҳридаги туманлар давлат солиқ инспекциялари бошлиқларининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги туманлар (шаҳарлар) давлат солиқ инспекциялари бошлиқлари, вилоятлар марказларидаги шаҳарлар давлат солиқ инспекциялари бошлиқлари ўринбосарлари, 200 минг кишидан ортиқ аҳолиси бўлган шаҳарлар давлат солиқ инспекциялари бошлиқлари ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларининг бош бухгалтерлари, навбатчи қисмлари бошлиқлари	Солиқ хизматининг II даражали маслаҳатчиси
Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси бошқармаларининг бўлимдаги шўъба бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларининг давлат солиқ бош инспекторлари, тезкор ходимлари, бош мутахассислари, бош юрисконсультлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар давлат солиқ инспекциялари бошлиқлари ўринбосарлари, давлат солиқ инспекциялари бўлимлари бошлиқлари, бош суриштирувчилар	Солиқ хизматининг III даражали маслаҳатчиси
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларининг давлат солиқ катта инспекторлари, етакчи мутахассислари, навбатчи қисм навбатчилари, давлат солиқ инспекцияларининг давлат солиқ бош инспекторлари, тезкор ходимлари, бош мутахассислари, бош юрисконсультлари, участка давлат солиқ бош инспекторлари, катта суриштирувчилар	Солиқ хизматининг I даражали инспектори
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларининг давлат солиқ инспекторлари, мутахассислари, давлат солиқ инспекцияларининг давлат солиқ катта инспекторлари, участка давлат солиқ катта инспекторлари, суриштирувчилар	Солиқ хизматининг II даражали инспектори
Давлат солиқ инспекцияларининг участка давлат солиқ инспекторлари, етакчи мутахассислар	Солиқ хизматининг III даражали инспектори
Давлат солиқ инспекцияларининг давлат солиқ инспекторлари, I даражали мутахассислар	Солиқ хизматининг инспектори

** Давлат солиқ хизмати органларида ишлайдиган, лавозими ушбу жадвалда кўрсатилмаган шахсларга махсус унвонлар Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланадиган эгаллаб турган лавозими бўйича тенглаштирилган мақомига мувофиқ берилади.*

32. Мансабдор шахсларга:

солиқ хизматининг бош давлат маслаҳатчиси, солиқ хизматининг I, II, III даражали давлат маслаҳатчиси махсус унвонлари — Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан;

солиқ хизматининг I, II, III даражали маслаҳатчиси, солиқ хизматининг I даражали инспектори махсус унвонлари — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси томонидан;

солиқ хизматининг II ва III даражали инспектори, солиқ хизматининг инспектори махсус унвонлари — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бошлиқлари томонидан берилади.

Идоравий мансуб таълим муассасалари ходимларига махсус унвонлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси томонидан берилди, ушбу банднинг иккинчи хатбошида келтирилган махсус унвонлар бундан мустасно.

33. Мансабдор шахслар махсус унвонда хизмат қилишининг қуйидаги муддатлари белгиланади:

солиқ хизматининг I даражали маслаҳатчиси — 4 йил;

солиқ хизматининг II даражали маслаҳатчиси — 4 йил;

солиқ хизматининг III даражали маслаҳатчиси — 3 йил;

солиқ хизматининг I даражали инспектори — 3 йил;

солиқ хизматининг II даражали инспектори — 2 йил;

солиқ хизматининг III даражали инспектори — 2 йил;

солиқ хизматининг инспектори — 1 йил.

Солиқ хизматининг бош давлат маслаҳатчиси, солиқ хизматининг I, II, III даражали давлат маслаҳатчиси учун махсус унвонларда хизмат қилиш муддатлари белгиланмайди.

34. Махсус унвонда хизмат қилиш муддати махсус унвон бериш тўғрисидаги буйруқ чиққан кундан бошлаб ҳисобланади. Мансабдор шахсларнинг пасайтирилган махсус унвонда бўлган вақти тикланган унвондаги хизмат муддатига қўшилмайди.

35. Раҳбарлик лавозимига янги қабул қилинган мансабдор шахсларга махсус унвон эгаллаб турилган штатдаги лавозими бўйича синов муддати тугагандан кейин берилади, солиқ хизматининг инспектори махсус унвони бундан мустасно.

36. Мансабдор шахсларга, янада юқорироқ унвон бериладиган лавозимга ўтказилганда ва тайинланганда, унга навбатдаги махсус унвонни, янги лавозимда бўлиш муддатидан қатъи назар, ва навбатда ва муддатларга риоя қилмасдан олиш ҳуқуқи берилади, бироқ мазкур унвон унинг махсус унвонидан икки даражадан юқори бўлмаслиги керак.

37. Интизомий жазо олган ёхуд унга нисбатан жиноий иш қўзғатилган ёки қонунчиликни ёки хизмат интизомини бузганлик факти бўйича хизмат текшируви ўтказилаётган мансабдор шахсларни навбатдаги махсус унвонларни беришга ёки рағбатлантиришга тавсия этиш интизомий жазо олиб ташлангунгача ёхуд жиноий иш озод қилувчи асослар бўйича тўхтатилгунгача ёки хизмат текшируви тугагунгача амалга оширилмайди.

38. Истисно тартибида, ваколатли мансабдор шахслар навбатдаги махсус унвонларни муддатидан олдин ёки эгаллаб турилган штатдаги лавозим бўйича белгилангандан бир даража юқори унвонни қуйидаги мезонлар бўйича олишлари мумкин:

хизмат бурчини бажариш вақтида кўрсатган қаҳрамонлиги, жасорати ва мардлиги учун — эгаллаб турилган махсус унвондаги хизмат муддатидан қатъи назар;

хизмат вазифаларини виждонан бажаргани ва ишдаги юксак ютуқлари учун — махсус унвон бўйича белгиланган хизмат муддатининг камида ярми ўтгандан кейин.

Мансабдор шахсларга махсус унвон эгаллаб турилган штатдаги лавозим бўйича белгилангандан бир даража юқори унвон давлат солиқ хизмати органларидаги хизматнинг бутун даври мобайнида фақат бир марта берилиши мумкин.

39. Давлат солиқ қўмитаси марказий аппарати масъул таркибий тузилмаси, давлат солиқ хизматининг ҳудудий органи ва идоравий мансуб таълим муассасаси раҳбари ўз ходимларининг махсус унвондаги хизмат муддати тугагач бир ой муддатда навбатдаги унвон бериш бўйича тегишли ҳужжатларни тақдим этишга мажбурдир.

Мансабдор шахсларни навбатдаги махсус унвон беришга тақдим этиш асоссиз равишда кечиктирилган тақдирда юқорида келтирилган шахслар меҳнат ҳақидаги қонунларга мувофиқ интизомий жавобгарликка тортилади.

40. Идоралараро ротация тариқасида давлат солиқ хизмати органларидаги лавозимга тайинланган ходимларга махсус унвонлар амалдаги унвонлар ва даражали унвонларга тенг равишда берилади.

41. Мансабдор шахсларга берилган махсус унвонлар уларда умрбод сақланиб қолади.

42. Давлат солиқ хизмати органларига хизматга қайтадан қабул қилинган шахсларда илгари берилган махсус унвонлар сақланади.

Бунда, агар эгаллаб турилган лавозим янада юқорироқ унвонни тақозо этса, у ҳолда ушбу унвон синов муддати тугагач берилади ва у илгариги махсус унвондан кўпи билан икки даража юқори бўлиши керак.

Агар эгаллаб турилган лавозим пастроқ махсус унвонни тақозо этса, у ҳолда хизматга қайтадан қабул қилинган шахсларда уларнинг илгари берилган махсус унвони сақланиб қолади.

43. Мансабдор шахсларга навбатдаги махсус унвон беришга тавсия этишни кечиктириш, махсус унвонни бир даражага пасайтириш Давлат солиқ қўмитасининг раиси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бошлиқлари томонидан ўз ваколатлари

доирасида, тегишли даражалардаги бошқарма раҳбарлари тақдимномасига биноан хизмат бурчини бузганлик, хизмат вазифаларини зарур тарзда ба-
жармаганлик учун амалга оширилади.

Махсус унвони пасайтирилган мансабдор шахслар илгариги махсус унвонига Давлат солиқ қўмитасининг раиси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бошлиқлари томонидан тегишли даражалардаги бошқармалар раҳбарларининг тақдимномасига биноан тикланадилар.

Мансабдор шахслар илгариги махсус унвонга тиклангунларигача уларга навбатдаги унвон берилишига ёки уларнинг махсус унвони такроран пасайтирилишига йўл қўйилмайди.

44. Мансабдор шахслар махсус унвондан:

ходим ўз номига иснод келтирувчи қилмишлари учун давлат солиқ хизмати органларидан бўшатиладиганда;

жиноят содир этганлик учун — суднинг қонуний қучга кирган ҳукмига биноан маҳрум этилиши мумкин.

45. Махсус унвонларга эга бўлган мансабдор шахсларга ҳар ойда махсус унвон ва кўп йил хизмат қилганлиги учун устама ҳақ тўланади. Махсус унвон учун (махсус унвон берилган вақтдан бошлаб тўланадиган) ва кўп йил хизмат қилганлиги учун (иш стажига кўра) устама ҳақ миқдорлари лавозим маошига нисбатан коэффицентлар билан (мазкур Низомга 1 ва 2-иловаларга мувофиқ) белгиланади.

Кўп йил хизмат қилганлик учун устама ҳақ олиш ҳуқуқини берувчи иш стажы Давлат солиқ қўмитаси раиси томонидан касаба уюшмаси органи билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган тартибга мувофиқ ҳисоблаб чиқилади.

46. Солиқ академиясига ва солиқ коллежларига ишга қабул қилинган ва ўтказилган мансабдор шахсларда уларнинг илгариги махсус унвони, шунингдек, махсус унвон ва кўп йил хизмат қилганлик учун устамалар тўлаш тартиби сақланиб қолади. Солиқ академиясида ва солиқ коллежларида ишлаган вақт давлат солиқ хизмати органларига хизматга қайтиб келинганда махсус унвондаги хизмат муддатига қўшилади.

6-боб. Хизматдан бўшатиш

47. Мансабдор шахсларни хизматдан бўшатиш Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига мувофиқ амалга оширилади.

48. Жиноят содир этганлик учун суд томонидан жазоланган мансабдор шахслар ҳукм қонуний қучга киргандан кейин давлат солиқ хизмати органларидан бўшатиладилар.

49. Вафот этган, ҳалок бўлган ёки белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб эътироф этилган мансабдор шахслар давлат солиқ хизмати органларининг ходимлар таркибидан чиқариладилар.

Ўзбекистон Республикаси давлат
солиқ хизмати органларида хизматни ўташ
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор
шахсларининг лавозим маошларига махсус унвон учун
ҳар ойлик устама ҳақ
МИҚДОРЛАРИ**

Махсус унвон номи	Лавозим маошига қўшимча ҳақ миқдори (коэффициент ҳисобида)
Солиқ хизматининг бош давлат маслаҳатчиси	0,65
Солиқ хизматининг I даражали давлат маслаҳатчиси	0,60
Солиқ хизматининг II даражали давлат маслаҳатчиси	0,55
Солиқ хизматининг III даражали давлат маслаҳатчиси	0,50
Солиқ хизматининг I даражали маслаҳатчиси	0,45
Солиқ хизматининг II даражали маслаҳатчиси	0,40
Солиқ хизматининг III даражали маслаҳатчиси	0,35
Солиқ хизматининг I даражали инспектори	0,30
Солиқ хизматининг II даражали инспектори	0,25
Солиқ хизматининг III даражали инспектори	0,20
Солиқ хизматининг инспектори	0,15

Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ
хизмати органларида хизматни ўташ
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари
мансабдор шахсларининг лавозим маошларига кўп йил хизмат
қилганлик учун ҳар ойлик устама ҳақ
МИҚДОРЛАРИ**

Иш стажи	Лавозим маошига устама ҳақ миқдори (коэффициент ҳисобида)
3 йилдан 5 йилгача	0,05
5 йилдан 7 йилгача	0,15
7 йилдан 10 йилгача	0,20
10 йилдан 12 йилгача	0,25
12 йилдан 15 йилгача	0,30
15 йилдан 20 йилгача	0,35
20 йилдан ортиқ	0,40

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 28 августдаги 677-сон қарорига
З-ИЛОВА

929-МОЛДА

2017 — 2021 йилларда давлат солиқ хизмати органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ДАСТУРИ

Т/р	Тадбирлар номи	Сарф-харажатларнинг ҳисобланган суммаси* (млрд сўм)	Ажратиладиган маблағларни ўзлаштириш ҳажми ва муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
Капитал қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш					
1.	Давлат солиқ хизмати ҳудудий органларининг маъмурий биноларини реконструкция қилиш.** (жами 11 та объект, йилга 2 та объектдан, шу жумладан 2017 йилда — Сирдарё вилояти ДСБ ва Қўшрабод тумани ДСИ)	40,1	2017 йилда — 7,4 млрд сўм, 2018 йилда — 8,0 млрд сўм, 2019 йилда — 8,0 млрд сўм, 2020 йилда — 8,2 млрд сўм, 2021 йилда — 8,5 млрд сўм	Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси маблағлари (кейинги ўринларда ДСҚнинг бюджетдан ташқари махсус жамғармаси маблағлари деб аталади)	ДСҚ, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
2.	Давлат солиқ қўмитаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш.** (ҳодимлар учун хизмат турар жойи сифатида ётоқхона биноси, фуқароларни қабул қилиш биноси ва иситиш қозонхонаси)	4,0	2017 йил охиригача	ДСҚнинг бюджетдан ташқари махсус жамғармаси маблағлари	ДСҚ, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
3.	Давлат солиқ хизмати ҳудудий органларининг маъмурий биноларини капитал таъмирлаш.** (Жами 68 та объект, ҳар йили 13 тадан объект ҳисобида)	49,7	2017 йилда — 9,2 млрд сўм, 2018 йилда — 9,5 млрд сўм, 2019 йилда — 10,5 млрд сўм, 2020 йилда — 10,0 млрд сўм, 2021 йилда — 10,5 млрд сўм	ДСҚнинг бюджетдан ташқари махсус жамғармаси маблағлари	ДСҚ, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
4.	Ҳудудий давлат солиқ бошқармалари ва туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари бошлиқлари учун хизмат уй-жойлари қуриш. (ДСБ учун 13 та уй; ДСИ учун 182 та уй)	35,6	2017 йилда — 18,0 млрд сўм, 2018 йилда — 17,6 млрд сўм	ДСҚнинг бюджетдан ташқари махсус жамғармаси маблағлари	ДСҚ, манфаатдор вазирликлар ва идоралар

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2017 й.

— 112 —

35 (795)-сон

Т/р	Тадбирлар номи	Сарф-харажатларнинг ҳисобланган суммаси* (млрд сўм)	Ажратиладиган маблағларни ўзлаштириш ҳажми ва муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
Моддий-техника таъминотини мустаҳкамлаш					
5.	Формали кийим-бош тикиш. (давлат солиқ хизмати органлари асосий ходимларининг 12131 штат бирликлари учун), (50 фоиз Республика бюджетни маблағлари ҳисобидан ва 50 фоиз ДСҚнинг бюджетдан ташқари махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан)	15,7	2017 йилда — 5,0 млрд сўм, 2018 йилда — 2,8 млрд сўм, 2018 йилда — 7,9 млрд сўм	ДСҚнинг бюджетдан ташқари махсус жамғармаси маблағлари ДСҚнинг бюджетдан ташқари махсус жамғармаси маблағлари Республика бюджетни маблағлари	Молия вазирлиги, ДСҚ, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
6.	Худудий солиқ органлари учун мебель сотиб олиш. (йилига 3 та ДСБ ва 36 та ДСИ учун)	12,9	2017 йилда — 1,2 млрд сўм, 2018 йилда — 2,4 млрд сўм, 2019 йилда — 3,0 млрд сўм, 2020 йилда — 3,0 млрд сўм, 2021 йилда — 3,3 млрд сўм	ДСҚнинг бюджетдан ташқари махсус жамғармаси маблағлари	ДСҚ, ССП, Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси
7.	Хизмат автомашиналарини харид қилиш. (жами 69 та автомашина)	5,5	2017 йилда — 0,3 млрд сўм, 2018 йилда — 0,3 млрд сўм, 2019 йилда — 0,3 млрд сўм, 2020 йилда — 4,3 млрд сўм, 2021 йилда — 0,3 млрд сўм	ДСҚнинг бюджетдан ташқари махсус жамғармаси маблағлари	ДСҚ, Молия вазирлиги, «Ўзавтосаноат» АК
8.	Муқобил энергия манбалари — қуёш батареяларини ва энергия тежайдиган замонавий қозонхоналар ўрнатиш.	13,2	2017 йилда — 1,1 млрд сўм, 2018 йилда — 0,2 млрд сўм, 2019 йилда — 0,3 млрд сўм, 2020 йилда — 11,6 млрд сўм	ДСҚнинг бюджетдан ташқари махсус жамғармаси маблағлари	ДСҚ
Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш					
9.	Ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини такомиллаштириш. (10 дастурий маҳсулот ва 34 автоматлаштирилган ахборот тизими)	5,1	2018 йилда — 1,2 млрд сўм, 2019 йилда — 1,3 млрд сўм, 2020 йилда — 1,3 млрд сўм, 2021 йилда — 1,3 млрд сўм	ДСҚнинг бюджетдан ташқари махсус жамғармаси маблағлари	ДСҚ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
10.	Солиқ органларининг Ягона интеграциялаштирилган ахборот ресурс базасининг ускуналари ва серверларини янгилаш ва уларнинг ҳисоблаш қувватини ошириш. (сервер ва бошқа ҳисоблаш ускуналари мажмуаси)	26,5	2019 йилда — 26,5 млрд сўм	ДСҚнинг бюджетдан ташқари махсус жамғармаси маблағлари	ДСҚ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

Т/р	Тадбирлар номи	Сарф-харажатларнинг ҳисобланган суммаси* (млрд сўм)	Ажратиладиган маблағларни ўзлаштириш ҳажми ва муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
11.	Компьютерлар ва коммуникация ускуналарини янгилаш. (2018 йилда 1176 та компьютер, 210 та сканер ва 1000 та принтер. 2020 йилда 1562 та компьютер. 2021 йилда 1562 та компьютер ва 220 коммуникация ускуналари тўғрисида)	37,5	2018 йилда — 10,5 млрд сўм, 2020 йилда — 10,0 млрд сўм, 2021 йилда — 17,0 млрд сўм	ДСҚнинг бюджетдан ташқари махсус жамғармаси маблағлари	ДСҚ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
12.	Давлат солиқ қўмитаси ўқув муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий технология ва АКТни жорий қилиш.	30,0	ҳар йили 6,0 млрд. сўмдан	ДСҚнинг бюджетдан ташқари махсус жамғармаси маблағлари	ДСҚ, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Солиқ академияси, Тошкент, Бухоро ва Фарғона солиқ коллежлари
	Жами:	275,8	2017 йилда — 52,2 млрд сўм, 2018 йилда — 66,4 млрд сўм, 2019 йилда — 55,9 млрд сўм, 2020 йилда — 54,4 млрд сўм, 2021 йилда — 46,9 млрд сўм	Давлат бюджети маблағлари — 7,9 млрд сўм, ДСҚнинг бюджетдан ташқари махсус жамғармаси маблағлари — 267,9 млрд сўм	

* Харажатлар суммаси нархларнинг амалда шаклланишидан ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг бюджетдан ташқари махсус жамғармасига маблағлар тушиши ҳажмидан келиб чиқиб аниқлаштирилади.

** Қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари тасдиқланган манзилли рўйхатга мувофиқ амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 28 августдаги 677-сон қарорига
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1998 йил 12 январдаги 14-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 1-сон, 2-модда) 5-бандининг иккинчи — тўртинчи хатбошларидаги «10» рақами «25» рақами билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 5 августдаги 280-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 8-сон, 46-модда) 2-бандида:

а) биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) иккинчи ва учинчи хатбошилар тегишли равишда биринчи ва иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 4-сон, 14-модда) 1-илованинг 8-позициясидаги «Ажратмалар миқдори» устунисидаги «10» ва «10***» рақамлари тегишли равишда «25» ва «25***» рақамлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 28 августдаги 677-сон қарорига
5-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат солиқ бош бошқармаси таркибидаги Махсус назорат бошқармаси тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» 1992 йил 28 декабрдаги 595-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат солиқ бош бошқармаси таркибида валюта тушумларини назорат қилиш бўйича махсус бўлинмалар ташкил этиш тўғрисида» 1993 йил 26 апрелдаги 191-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси солиқ органларида маълумотларни ишлаш бўйича ягона компьютер тизимини яратиш тўғрисида» 1993 йил 3 августдаги 388-сон қарорининг 2 ва 3-бандлари, шунингдек, қарорга 2, 3 ва 4-иловалар.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 5 майдаги 180-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 5-сон, 23-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви республика органларининг бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш ва қисқартириш тўғрисида» 2004 йил 5 январдаги 1-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 1-2-сон, 10-модда) 2-илованинг 44-позицияси ва 3-илованинг 81-позицияси.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2006 йил 10 ноябрдаги 235-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 11-сон, 86-модда) 1-илованинг 25-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2007 йил 8 августдаги 168-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 8-сон, 44-модда) 1-илованинг 2-банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2009 йил 11 мартдаги 63-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 3-сон, 20-модда) 1-илованинг 7-банди.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2010 йил 21 майдаги 98-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 5-сон, 24-модда).

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2012 йил 13 декабрдаги 353-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 12-сон, 85-модда).

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2015 йил 2 мартдаги 40-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 3-сон, 13-модда) илованинг 5-банди.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2016 йил 26 апрелдаги 122-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 4-сон, 28-модда) 1-илованинг 29 ва 99-бандлари.

35 (795)-сон

— 117 —

929-930-моддалар

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» 2016 йил 25 майдаги 177-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 5-сон, 44-модда).

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2017 йил 1 майдаги 252-сон қарорига 1-илованинг 12-банди.